

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВ АБРОР БОЗАРБОЕВИЧ

**СОЛИҚ ТЎЛОВЛАРИ ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08–Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Абдуллаев Аброр Бозарбоевич

Солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш..... 3

Абдуллаев Аброр Бозарбоевич

Совершенствование учета и анализа налоговых платежей..... 25

Абдуллаев Аброр Бозарбоевич

Improvement of accounting and analysis of tax payments..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 52

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВ АБРОР БОЗАРБОЕВИЧ

**СОЛИҚ ТЎЛОВЛАРИ ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08–Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt513 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Курбанов Зият Ниязович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Каримов Неъматулла Фатхуллаевич иқтисодиёт фанлари доктори, доцент Илхамов Шавкат Исламович иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент Давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «__»_____соат_____даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй, Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: info@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871)234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: info@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «__»_____куни тарқатилди.

(2020 йил «__»_____даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Б.Э.Ташмурадова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

С.У.Мехмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ж.И.Каримқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётда солиқлар ҳисоби ва таҳлили корпоратив бошқарувнинг муҳим элементи сифатида ўрганилади. Солиқ тўловлари эса бухгалтерия ҳисобининг алоҳида объекти сифатида эътироф этилади. Шунингдек, молиявий ҳисоб, бошқарув ҳисоби ва солиқ ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисмлари бўлиб ҳисобланади. Халқаро амалиётда солиқ ҳисоби алоҳида юритилади. Солиқ тўловлари таҳлили яширин иқтисодиётни олдини олиш мақсадида ҳам макро, ҳам микро даражада ўтказилади. «Солиқ таҳлилини алоҳида объектлар ва жараёнлар бўйича ўтказилиб борилиши уларнинг йиғилувчанлигини ошириш билан бирга, солиқдан қочишни олдини олиши ҳамда солиқ қарздорлигини камайишига сабаб бўлган»¹. Шу жиҳатдан, солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш муҳим масала ҳисобланади.

Бугунги кунда халқаро амалиётда солиқ ҳисоби ва солиқ менежменти бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий тадқиқотлар натижалари асосида солиқ ҳисоби ва таҳлили бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежментнинг муҳим бўғинларидан эканлиги илгари сурилаётган бўлсада, хўжалик юритувчи субъектларда солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлили алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида тўлиқ ўрганилмаган. Жадал иқтисодий ўзгаришлар ва рақобат муҳитининг кучайиши, хуфиёна иқтисодиётга барҳам бериш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар хўжалик юритувчи субъектларда солиқ тўловларини қонуний асослар билан оптималлаштириш ва мунтазам таҳлил қилиб бориш заруратини келтириб чиқармоқда. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларда солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлили методикаларини илмий жиҳатдан такомиллаштиришга етарлича аҳамият берилмаётганлиги бу борада илмий тадқиқотлар олиб бориш заруратини оширмоқда.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва солиқ тизимини халқаро стандартлар ва тажрибалар асосида такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Бу борада «Солиқ ва бухгалтерия ҳисоби қоидаларидаги тафовутларни қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш ва уларни халқаро молиявий ҳисобот стандартларига тўлиқ мослаштириш»² устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Республикамиздаги хўжалик юритувчи субъектларда солиқ ислохотларини амалиётга жорий этиш натижасида солиқлар ҳисоби ва таҳлили бўйича бир қанча муаммолар юзага келмоқда. Ушбу муаммоларнинг ҳал этилиши хўжалик юритувчи субъектларда солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлили бўйича методикалар ишлаб чиқиш, мавжудларини эса янги талаблар асосида такомиллаштирган ҳолда амалиётга жорий этишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги

¹Mc.Afee. Introduction to Economic analysis, <http://www.introecon.com.6-195-199>.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 10 июль, ПҚ-4389.

ПФ-5116-сонли «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги, 2019 йил 26 сентябрдаги ПФ-5837-сонли «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва 2018 йил 13 февралдаги Ф-5214-сонли «Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши ҳамда 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сонли «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда ушбу диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлили методологиясини такомиллаштиришнинг назарий-услубий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар Баканов М.И., Шеремет А.Д., Егорова Е.В., Чипуренко Е.В., Васильев А.М., Смирнов Е.С., Майбуrows И.А., шунингдек, республикамиз иқтисодчилари Пардаев М.Қ., Ибрагимов А.К., Олимжонов О.О., Каримов А.А., Исроилов Б.И., Гадоев Э.Ф., Тошматов Ш.А., Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х., Жураев А.С., Қўзиева Н.Р., Ташмурадова Б., Уразов К.Б., Дусмуратов Р.Д., Элмирзаев С.Э. ва бошқа олимларнинг илмий ва ўқув-услубий ишларида ўз аксини топган. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И., Қурбонов З.Н., Санақулова Б.Р., Ҳотамов К.Р., Ашурова Н.Б., Урмонов Ж.Ж., Ниязметов И.М., Исаев Ф.И.ларнинг³ илмий

³Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа, Инфра-М, 2011, ст. 13 с.367; Егорова Е.В. Налоговый анализ в организациях. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н., М:2015 11 стр.; Чипуренко Е.В. Методология налогового анализа и оценки влияния системы налогообложения на деятельность коммерческих организаций, Автореферат д.э.н. Москва-2011, ст.21; Васильев А.М. Налоговый анализ в системе прогнозирования и планирования налогообложения на микроуровне. Автореферат к.э.н., Орел-2012. Ст. 13; Смирнов Е.С. Налоговый анализ финансовых результатов коммерческой организации. Автореферат дисс. к.э.н. Орел, 2013.10 с.; Майбуrows И.А. Налоги и налогообложение. Ред. 4-е изд. - М.:558 с. 2011; Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил назарияси, Сано-стандарт, Т.: 2014. 336 бет; Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма.–Т.: «Молия». 2008.–465 б; Олимжонов О.О. Адолатли солиқ-мамлакат таянчи. Солиқ тўловчи журнали, 2006. №6; Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлокулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби.–Тошкент.: «Шарқ», 2004.-466 б.; Исроилов Б.И. «Солиқларнинг молиявий ҳисоби ва таҳлилининг методологик асослари». Диссертация и.ф.д., Самарқанд-2006. 272 б.; Гадоев Э.Ф. ва б. Билвосита солиқлар: қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи.–Тошкент: «Норма», 2011.–327 б.; Ш.А.Тошматов Қўшилган қиймат солиғи. Монография.–Тошкент.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2004.-160 б.; Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма.–Т.: «Иқтисод-молия», 2009.-556 б.; Жўраев А.С. ва бошқалар. Солиқ назарияси, ўқув қўлланма, Т: «Иқтисод-молия», 2019.-376 б.; Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Тошкент. Фан. 2005.; Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик.–Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2003.-412 б.; Элмирзаев С.Э. «Корпоратив молияни бошқаришда солиқ

ишларида солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлилининг назарий ҳамда методологик асосларининг айрим жиҳатлари ўрганилган. Ушбу илмий ишларда солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлили комплекс тарзда ўрганилмаган. Шу боис, солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрни иқтисодий жиҳатдан юқори эканлиги, солиқлар бўйича рўй бераётган ўзгаришларни бухгалтерияда ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш, унинг назарий-методологик масалаларини такомиллаштириш асосида илмий таклифлар ишлаб чиқиш лозим.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация мавзуси Тошкент молия институтининг «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлилининг такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар белгиланган:

хўжалик юритувчи субъектларда солиқ харажатлари, уларнинг таркиби ва таснифланиши бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ва солиқ ҳисобини юритиш натижасида юзага келадиган вақтинчалик фарқларни ҳисобга олган ҳолда фойда солиғи ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

қўшилган қиймат солиғини ҳужжатлаштириш ва ҳисобга олиш тартибининг рақамли иқтисодиёт талаблари асосида такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

тадбиркорлик субъектларига берилган солиқ имтиёзларининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

алоҳида солиқ турлари бўйича солиқ тўловларини таҳлил қилиш методикасини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекнефтегаз» акциядорлик жамиятига қарашли хўжалик юритувчи субъектлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларда солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлилининг илмий, назарий ва амалий услублари ҳамда

муносабатларини такомиллаштириш» Дис. автореф. и.ф.д.–Тошкент БМА. 2017.30 б.; Курбанов З.Н. «Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари». Дис.и.ф.д.-Тошкент.: БМА, 2008. 272 б.; Санакулова Б.Р. «Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш» Дис.и.ф.д. Тошкент 2016.-260 б.; Ҳотамов К.Р. «Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш» диссертация и.ф.д., Т.: 2016.136 б.; Ашурова Н.Б. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш. и.ф.д. (ДС) Дис. Т.: -2018 йил. 247 б.; Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш масалалари: Монография/ Т.: «Иқтисод-Молия», 2018. 240 б.; Ниязметов И.М. «Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт» Монография.-Тошкент: «Молия», 2016. 192 б.; Исаев Ф.И. «Солиқ таҳлили методикасини такомиллаштириш» диссертация автореферати, Тошкент, 2019. 22 б.

уларни такомиллаштириш йўналишлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида диалектик ёндашув, гуруҳлаштириш, таққослаш, тизимли таҳлил, анализ-синтез, иқтисодий-математик ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсатини шакллантиришда солиқ харажатларини киритиш ва солиқ харажатларини таснифлаш орқали уларнинг алоҳида моддалар бўйича бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш таклиф этилган;

тадбиркорлик субъектларига берилган солиқ имтиёзларини алоҳида счётларда акс эттириш ва ишчи счётлар режасига 8850-«Муддати тугаган солиқ имтиёзлари» номли счётни киритиш асосида солиқ имтиёзларининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш таклиф этилган;

ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон счёт-фактурага босқичма-босқич ўтиш асосида қўшилган қиймат солиғи ҳисобини рақамли иқтисодиёт талабларига мослаштириш таклиф этилган;

тадбиркорлик фаолияти доирасида фойдаланиладиган кўчмас мулк харид қилинганда ёки устав капиталига улш сифатида олинганда қўшилган қиймат солиғи бўйича «ҳисобга олинадиган солиқ суммаси»ни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун ишчи счётлар режасига 0970-«Қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобга олинадиган солиқ суммаси – узоқ муддатли қисми» ва 3230-«Қўшилган қиймат солиғи бўйича кечиктирилган жорий қисми» номли счётларни киритиш таклиф этилган;

ҳўжалик юритувчи субъектларда солиқ тўловлари таҳлилининг босқичлари ишлаб чиқилган ва солиқ турлари бўйича таҳлил методикаси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб сиёсатига «солиқ харажатлари» моддасини киритиш ва уларни таркиблаш асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш орқали харажатларни тўғри ҳисобга олиш, молиявий натижалар аниқлиги ҳамда солиқларни ҳисоблашнинг объективлиги таъминланган;

тадбиркорлик субъектларига берилган солиқ имтиёзларининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, улардан тўғри фойдаланиш бўйича масъулиятни ошириш, шунингдек, солиқ имтиёзлари суммаларини бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттириш имконини берган ҳолда мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга хизмат қилади;

ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон счёт-фактурага босқичма-босқич ўтиш натижасида солиқ тўловларини ҳисоблаш аниқлиги таъминланиб, қўшилган қиймат солиғини ҳужжатлаштириш ва ҳисобга олиш тартиби рақамли иқтисодиёт талабларига мослаштирилган. Шунингдек, товар етказиб берувчилар ва харидорлар ўртасидаги ҳисоб-китоб муносабатлари тезлашиб, пул маблағларининг банкдаги ҳисобварақларга келиб тушиш вақти қисқарган ҳамда солиқ тўловлари ҳажминини кўпайтирган

ҳолда уларни ўз вақтида давлат бюджетига келиб тушиши таъминланган;

хўжалик юритувчи субъектларнинг ишчи счётлар режасига 0970-«Қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобга олинмаган солиқ суммаси - узоқ муддатли қисми» ва 3230-«Қўшилган қиймат солиғи бўйича кечиктирилган жорий қисми» номли счётларни киритиш асосий воситалар, кўчмас мулк ва номоддий активлар харид қилинганда, устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида олинганда қўшилган қиймат солиғининг ҳисобга олинмаган суммасини тўғри аниқлаш имкони яратилган ҳамда ушбу суммаларни барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттиришнинг такомиллашган услуби ишлаб чиқилган;

хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ва солиқ ҳисобини юритиш натижасида юзага келадиган вақтинчалик фарқларни тўғри аниқлаш ва бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш фойда солиғи базасини тўғри аниқлаш, бухгалтерия ва солиқ ҳисоби маълумотларининг ўзаро мослигини таъминлаш имконини берган;

хўжалик юритувчи субъектларда солиқ тўловлари таҳлилини ташкил этиш ҳамда омилли таҳлил қилиш асосида алоҳида солиқ турлари бўйича тавсия этилган солиқ таҳлили методикаси фойда солиғига таъсир этувчи омилларни аниқлаш асосида солиқ харажатларини камайтириш бўйича самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳамда солиқ тўловларини оптималлаштириш имконини берган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар (Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва «Ўзнефтьгазқазибчиқариш» АЖ) томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлиliga оид назарий-методологик, махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан республикада фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланадиган солиқларни ҳисобга олишда, ҳисоботини тузишда, таҳлил қилишда ва уларни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсатини шакллантиришда «солиқ харажатлари» моддасини киритиш, ишчи счётлар режасида «Солиқлар бўйича жарима ва пенялар» номли счёт очиш ва вақтинчалик фарқларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш бўйича таклифлари «Ўзнефтьгазқазибчиқариш» АЖга қарашли корхоналар ҳисоб сиёсатини

ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ўзнефтьгазқазибчиқариш» АЖнинг 2019 йил 5 сентябрдаги 06/РШ-2012-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий қилиниши солиқ харажатлари таркиби асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни, харажатларни тўғри ҳисобга олишни, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижалари аниқлигини ҳамда солиқларни ҳисоблашнинг объективлигини таъминлаган ҳамда ишлаб чиқиладиган маҳсулот таннархи ва молиявий натижаларни тўғри ҳисоблаш, фойда солиғи ҳисобини ташкил қилиш, фойда ва қўшилган қиймат солиқлари бўйича солиққа тортиш базасини аниқлаш ҳамда бу солиқларни ҳисоблашда солиқ ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларини бир-бирига мос келишлигини таъминлаш имконини берган.

Электрон счёт-фактурани тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамлаб қўйиш ҳамда унга босқичма-босқич ўтиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги «Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 522-сонли қарорида ўз аксини топган (Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 3 июлдаги 14-19446-сон маълумотномаси). Натижада, солиқ тўловларини ҳисоблаш аниқлиги таъминланиб, солиқлар ҳисоби ахборот таъминотини яхшилаш имконияти яратилган. Товар етказиб берувчилар ва харидорлар ўртасидаги ҳисоб-китоб муносабатлари тезлашади ҳамда пул маблағларининг банкдаги ҳисобварақларга келиб тушиш вақти қисқаради. Бу эса ўз ўрнида, давлат бюджетига фойда, ҚҚС ва бошқа солиқлар ҳажмини кўпайтиради ҳамда ўз вақтида тушишини таъминлайди.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартибини бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва «Ўзнефтьгазқазибчиқариш» АЖ томонидан қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2019 йил 30 августдаги 06-17-01-35/670-3832-сон ва «Ўзнефтьгазқазибчиқариш» АЖнинг 2019 йил 5 сентябрдаги 06/РШ-2012-сон маълумотномалари). Натижада асосий воситалар, кўчмас мулк ва номоддий активлар сотиб олинганда, устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида олинганда оловчи томонидан қўшилган қиймат солиғининг ҳисобга олинган суммасини бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш бўйича барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ягона услубни яратиш имконини берган.

Фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича таклифи «Ўзнефтьгазқазибчиқариш» АЖ ва унга қарашли корхоналарда аналитик ва синтетик ҳисобни ташкил этишда фойдаланилган («Ўзнефтьгазқазибчиқариш» АЖнинг 2019 йил 5 сентябрдаги 06/РШ-2012-сон маълумотномаси). Таклифни амалиётга жорий қилиниши натижасида, тизимга қарашли корхоналарда солиқлар бўйича берилган имтиёзлардан самарали фойдаланиш устидан назорат ва солиқ имтиёзларидан тўғри фойдаланиш бўйича масъулият ошишига, шунингдек, солиқ имтиёзларининг суммалари бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилиши орқали 102,5 млн. сўм пеня ва жарималар суммаси иқтисод қилинишига эришилган.

Фойда солиғини омилли таҳлил қилиш бўйича ишлаб чиқилган методика «Ўзнефтьгазқазибчиқариш» АЖ ва тизим корхоналарида фойда солиғи билан боғлиқ харажатларни камайтиришга оид бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдаланилган («Ўзнефтьгазқазибчиқариш» АЖнинг 2019 йил 5 сентябрдаги 06/РШ-2012-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган методикани амалиётга жорий қилиниши фойда солиғига таъсир этувчи омилларни аниқлаш асосида солиқ харажатларини оптималлаштириш бўйича самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини яратган.

Солиқ тўловчиларга солиқни тўлаш муддати узайтирилганда фоизлар ҳисоблаш ҳамда солиқ мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш усуллари (гаров, кафолат, банк кафиллиги) бўйича таклифи солиқ қонунчилигини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган (Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 3 июлдаги 14-19446-сон маълумотномаси). Натижада, солиқ мажбуриятларини бажаришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда муддати узайтирилган солиқлар ва мажбурий тўловларни ундириш бўйича солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шу жумладан, 1 та гувоҳнома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган журналларда 8 та, шундан, нуфузли хорижий журналларда 1 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 13 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 126 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши очиб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ўзбекистон Республикасида солиқ ислохотлари ва солиқ тўловлари ҳисобининг назарий масалалари**» деб номланиб, Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясини амалга ошириш йўллари, солиқ тўловлари

ҳисобининг назарий-услубий асослари, солиқ харажатларини бухгалтерия ҳисобида тан олиш масалалари очиб берилган ва боб якунида мазкур масалалар бўйича илмий хулосалар шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4389 сонли Қарори⁴ қабул қилинди ва ушбу қарор билан «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси» маъқулланди. Шунингдек, ушбу қарорга асосан «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси»нинг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди.

Бугунги кунда давлат бюджетининг даромадлар қисмида солиқ тушумларининг ўрни катта ҳисобланади (1-расм).



1-расм. Давлат бюджетининг даромад қисмини шаклланишида солиқ тушумларининг улуши, фоизда⁵

1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, 2014 йилда давлат бюджети даромад қисмининг деярли 88 фоизи солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тушумлар ҳисобига шаклланган. Бу кўрсаткич 2016 йилда 88,4 фоизни, 2017 йилда 92,5 фоизни, 2018 йилда 89,9 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда 90,8 фоиз бўлиши прогноз қилинмоқда. Бошқа манбалардан тушумлар улуши мос равишда 2014 йилда 7,9 фоиз, 2016 йилда 11,6 фоиз, 2018 йилда эса 10,1 фоиз бўлган.

Давлат бюджетининг даромад қисмини шаклланишида солиқ тушумларидан асосий улушни бевосита солиқлар таркибида фойда солиғи ташкил этган бўлса, билвосита солиқлар таркибида қўшилган қиймат солиғи ташкил этган.

Бухгалтерия ҳисобининг модели миллий ҳисоб тизими тавсифи ва унинг муҳим хусусиятларини ифода қилади. Миллий ҳисоб моделлари бир-биридан мамлакатларда олиб борилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4389 сонли Қарори.

⁵www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

жараёнларнинг хусусиятлари билан фарқ қилади. Ҳисоб моделининг илмий моҳиятидан келиб чиқсак, у биринчилардан бўлиб, итальян математиги Луко Пачоли томонидан яратилган. Бу модел «икки ёқлама ёзув»⁶ деб номланган ва ҳозирги бухгалтерия ҳисобининг асоси бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодчилар томонидан XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳисоб моделлари борасида илмий тадқиқотлар олиб борилди ва улар бир қанча белгиларга кўра таҳлил қилинди.

Жаҳон миқёсида бухгалтерия ҳисоби тизими қуйидаги йирик моделларга бўлинади: континентал (европа модели); британия-америка модели; жанубий америка модели; ислом модели.

З.Н.Қурбонов ўзининг илмий ишларида континентал модел тўғрисида қуйидаги фикрларни билдирган: Континентал моделда бухгалтерия ҳисоби тизими бевосита солиққа тортишнинг тамойиллари, қоидалари асосида шаклланади ва юритилади. Бу модел ташкил қилинганда, молиявий бухгалтерия ҳисоби билан солиқ ҳисобининг кўрсаткичлари мос келади. Шунинг учун ҳам «континентал» модел баъзан «солиқ» модели ҳам деб юритилади»⁷.

Илмий ишлар ва иқтисодий адабиётларни ўрганиш асосида бухгалтерия ҳисобининг британия-америка, континентал, жанубий-америка, ислом ва интернационал моделлари мавжуд эканлиги тўғрисида хулосага келдик ва уларнинг хусусиятлари 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро моделлари⁸

Моделлар	Ўзига хос хусусиятлари
Британия-Америка	Инвесторлар, кредиторлар ва акциядорлар манфаатларига йўналтирилган
Континентал	Давлатнинг корхоналар ҳисоб сиёсатига юқори даражадаги аралашуви
Жанубий Америка	Давлат органларининг фискал сиёсатини юритишга йўналтирилган
Интернационал	Трансмиллий корпорациялар ва халқаро валюта бозорининг чет эл катнашчилари манфаатларига йўналтирилган
Ислом	Диний омиллар юқорилиги ҳамда спекулятив даромад ва бошқа фаолиятларни тақиқлайди

XX асрнинг охирига келиб бухгалтерия ҳисобини моделлаштириш соҳаси бўйича олиб борилган таҳлилий ва таққослама илмий тадқиқотлар натижасида бухгалтерия ҳисобининг янги моделларини шакллантиришга эҳтиёжлар пайдо бўлди. Жаҳонда рўй бераётган глобаллашув ва ахборотлашув жараёни талабларига мос келувчи бухгалтерия ҳисобининг янги моделларини ишлаб чиқишга янги методик ёндашувлар тайёрланмоқда.

Солиқ ҳисобининг асосий объекти бўлиб солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланади.

⁶Пачоли Л. Трактат о счетах и записях/Под ред. Проф. М.И. Кутера.-М.: Финансы и статистика; Краснодар: Просвещение-Юг, 2009 г.

⁷Қурбонов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудити. Ўқув қўлланма. Тошкент: 2012, 176 б.(21).

⁸Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар» деб номланган 12-моддасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар куйидагича эътироф этилган: Солиқлар деганда ушбу кодексда белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади⁹.


Бундан кўриниб турибдики, тўловлар икки қисмга: солиқ тўловлари ва бошқа мажбурий тўловларга бўлинади.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, иқтисодий адабиётлар, илмий тадқиқотлар ва меъёрий ҳужжатларда «солиқ тўлови» тушунчасига турлича таърифлар ҳамда тушунтиришлар берилган.

Бизнинг фикримизча, солиқ тўловлари бўйича солиқ мажбуриятларининг вужудга келиши асосида корхона уларни бухгалтерия ҳисобида харажат сифатида тан олиши керак деб ҳисоблаймиз. Молиявий ва солиқ ҳисоботлардаги маълумотларни объектив бўлишлиги учун даромадлар ва харажатлар тан олиниши зарурдир.

Меъёрий ҳужжатлар ва иқтисодий адабиётларда келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда солиқ тўловларини солиқ харажатлари сифатида тан олиш керак деган хулоса қилинди.

Илмий тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда солиқ харажатлари таркибига куйидагиларни киритишни таклиф қиламиз (2-расм):



2-расм. Солиқ харажатлари таркиби¹⁰

Биз томонимиздан таклиф қилинган солиқ харажатлари таркиби асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, харажатларни тўғри ҳисобга олишни, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий натижаларининг аниқлигини ҳамда солиқларни ҳисоблашнинг объективлигини таъминлайди.

⁹Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 05.01.2019й.

¹⁰Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Диссертация ишининг «Солиқ тўловлари ҳисобини такомиллаштириш» деб номланган иккинчи бобида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида фойда солиғи ҳисобини такомиллаштириш, қўшилган қиймат солиғи ҳисобини электрон счёт-фактурага ўтказиш асосида такомиллаштириш, молиявий ва солиқ ҳисоботларини уйғунлаштириш асосида такомиллаштириш каби долзарб масалалар назарий ва амалий жиҳатдан очиб берилган.

«Юридик шахсларга солиқлар, божлар ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида»ги Низомда (Адлия вазирлигидан 2005 йил 2 апрелда 1463-сон билан рўйхатга олинган) мақсадли берилган солиқ имтиёзлари 8840-«Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари» счётида ҳисобга олиниши кўзда тутилган.

Имтиёзли даври тугаганда ва ҳисобот йилининг охирида ишлатилмасдан қолган имтиёз суммалари ҳисобдан чиқарилганда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари берилади:

Дебет 8840-«Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари» счёти,

Кредит 8530-«Текинга олинган мулк» счёти.

Бизнинг фикримизча, мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзларининг фойдаланилмай қолган суммасини 8530-«Текинга олинган мулк» счётига ўтказиш иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ эмас. Бундан ташқари ушбу тартиб амалдаги қоидаларга номувофиқ эканлигини кўришимиз мумкин. Солиқ кодексининг 30-моддасида «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар муносабати билан бўшаган ҳамда ушбу имтиёзларнинг амал қилиш муддати ичида фойдаланилмаган маблағларнинг суммаси имтиёзлар берилаётган чоғда белгиланган мақсадларга мазкур имтиёзларнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин бир йил мобайнида йўналтирилиши мумкин. Бунда, кўрсатилган муддатда фойдаланилмаган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказилади» деб белгилаб қўйилган. Шунга кўра, корхона имтиёз даври тугагандан сўнг яна бир йил мобайнида бўшаган пул маблағларини мақсадли сарфлаши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларига берилган ҳамда муддати тугаган солиқ имтиёзларини алоҳида 8850-«Муддати тугаган солиқ имтиёзлари» номли счётда ҳисобга олиш ва уни қуйидагича акс эттириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Имтиёз даври тугаганидан кейин бир йил мобайнидаги муддатга:

Дебет 8840-«Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари»;

Кредит 8850-«Муддати тугаган солиқ имтиёзлари».

Имтиёз даври тугаганидан кейин бир йил муддат ўтгандан сўнг:


Дебет 8850-«Муддати тугаган солиқ имтиёзлари»,

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)».

Натижада солиқлар бўйича берилган имтиёзлардан самарали фойдаланиш таъминланади ва солиқ тўловчиларни солиқ имтиёзларидан тўғри фойдаланиш бўйича маъсулияти ошади.

Халқаро амалиётда хўжалик юритувчи субъектларда солиққа тортиладиган фойдани аниқ ҳисоблашда «доимий фарқлар», «вақтинчалик фарқлар» тушунчалари муҳим аҳамиятга эга.

Фарқлар бухгалтерия ҳисобида кўрсатилган фойда билан солиққа тортиш мақсадида аниқланган фойда ўртасидаги тафовутдир. Бу фарқлар даромадлар ва харажатларни бухгалтерия ҳисоби ва солиқ қонунчилигида тан олиш қоидалари ҳар хиллигидан келиб чиқади (3-расм).



3-расм. Фойда солиғи бўйича фарқларнинг таснифи¹¹

Молиявий ва солиқ ҳисоботларидаги маълумотларни объектив бўлишлиги учун даромадлар ва харажатлар тан олиниши зарур. Бухгалтерия ҳисобининг 12-сонли «Фойдадан солиқ» номли халқаро стандартида вақтинчалик фарқларга қуйидагича таъриф берилган: Вақтинчалик фарқлар – бу молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган актив ёки мажбуриятнинг баланс қиймати билан унинг солиқ базаси ўртасидаги фарқлардир¹².

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, вақтинчалик фарқларга қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Вақтинчалик фарқлар – бу солиққа тортиладиган фойда билан молиявий ҳисоботда акс эттирилган фойда суммаси орасидаги фарқ бўлиб, у ҳисобот даврида пайдо бўлади ва келгуси даврларда тикланади, яъни фарқ қолмайди.

Солиқ кодексининг 218-моддасида «Тадбиркорлик фаолияти доирасида фойдаланиладиган кўчмас мулк сотиб олинганда, барпо этилганда, устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида олинганда, олувчи қўшилган қиймат солиғи суммасини 36 календарь ой давомида тенг улушларда ҳисобга олиш ҳуқуқига эга бўлади. Асосий воситалар, бундан кўчмас мулк мустасно, ва номоддий активлар сотиб олинганда, устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида олинганда, олувчи қўшилган қиймат солиғи суммасини 12 ой давомида тенг улушларда ҳисобга олиш ҳуқуқига эга бўлади»¹³ деб белгилаб қўйилган. Юқоридаги норманинг киритилиши ушбу жараёнларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибига ҳам ўзгартиришлар киритишни талаб қилади.

¹¹Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

¹²IAS-12 «Income Taxes», БҲХС «Фойдадан солиқ».

¹³Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 05.01.2019й.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Солиқ кодексининг 218-моддасида келтирилган нормаларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш бўйича қуйидаги таклифни берамиз:

1) тадбиркорлик фаолияти доирасида фойдаланиладиган кўчмас мулк сотиб олинганда қўшилган қиймат солиғи бўйича «ҳисобга олинандиган солиқ суммаси»ни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришни 0970-«Қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобга олинандиган солиқ суммаси – узоқ муддатли қисми» номли счёти ва 3230-«Қўшилган қиймат солиғи бўйича кечиктирилган жорий қисми» номли счётда ҳисобга олиш ва ушбу счётни ишчи счётлар режасига киритиш;

2) 0970-«Қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобга олинандиган солиқ суммаси – узоқ муддатли қисми» номли счёти ва 3230-«Қўшилган қиймат солиғи бўйича кечиктирилган жорий қисми» номли счётларни ишчи счётлар режасига киритиш асосида сотиб олинган асосий воситаларни бухгалтерия ҳисоби счётларида қуйидагича акс эттиришни таклиф этамиз (2-жадвал):

2-жадвал

**Сотиб олинган асосий воситаларга тегишли бўлган
ҚҚСни счётларда акс эттириш тартиби¹⁴**

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси		Суммаси
		Дебет	Кредит	
1	Мол етказиб берувчилардан асосий восита сотиб олинди	0820	6010	640000000
2	Мол етказиб берувчилардан асосий восита харид қилишда қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобга олинандиган солиқ суммасига (узоқ муддатли қисми, 36 календарь ой учун)	0970	6010	160000000
3	Мол етказиб берувчилардан олинган кўчмас мулк суммаси ўтказиб берилди.	6010	5110	800000000
4	Харид қилинган кўчмас мулк объекти асосий воситалар таркибига ўтказилди	0120	0820	640000000
5	Қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобга олинандиган солиқ суммасининг жорий қисми, 1/3 қисмига	3230	0970	53333333
6	ҚҚС суммаси 1 календарь ой учун ҳисобга олинди (53333333 / 12 ой)	4410	3230	4416667

Жадвалда келтирилган тартиб асосида қўшилган қиймат солиғи бўйича «ҳисобга олинандиган сумма»ларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш хўжалик юритувчи субъектларда ушбу масалада ягона услубий асосни яратиш имконини бериб, ахборот фойдаланувчиларнинг баланс ликвидлигини ҳисоблашда ишончли ахборотлар билан таъминлашга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасида электрон ҳисобварақ-фактурани амалиётга жорий этилиши муносабати билан солиқ ҳисобининг такомиллашуви қуйидагиларда намоён бўлади: солиқ тўловларини ҳисоблаш аниқлиги таъминланади; солиқлар ҳисобининг ахборот таъминоти яхшиланади; товар етказиб берувчилар ва харидорлар ўртасидаги ҳисоб-китоб муносабатлари тезлашади; пул маблағларининг банкдаги счётларга

¹⁴Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

келиб тушиш вақти қисқаради; давлат бюджети даромадларини ўз вақтида шаклланиши ва ортишини таъминлайди; фойда, ҚҚС ва бошқа солиқлар ҳажмини кўпайтиради ҳамда ўз вақтида ундириш имкониятини яратади.


Хўжалик юритувчи субъектларининг электрон ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланиш натижасида ҳисобварақ-фактураларни солиқ ҳисоботларида акс эттирмаслик, ҳисобварақ-фактураларни қалбакилаштириш, импорт қилинган товарлар учун божхонада тўланган ҚҚС суммаларини ортиқча миқдорда ҳисобга олиш эвазига ҚҚС суммасини камайтириш, ҚҚС тўловчи бўлмаган корхоналар ҳисобига ҚҚС суммасини ҳисобга олиш, яъни кўшилган қиймат солиғини тўлашдан қочиш ҳолатларининг олди олинади ва бу эса солиқ сиёсатини такомиллашуви ҳамда иқтисодиётда хуфиёна айланма даражасини қисқаришига олиб келади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда электрон ҳисобварақ-фактурани тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамлаб қўйиш ҳамда унга босқичма-босқич ўтиш таклиф қилинди.

Ишнинг учинчи боби «Солиқ тўловлари таҳлилининг методикасини такомиллаштириш» деб номланган бўлиб, унда солиқ тўловлари таҳлилининг назарий асослари ва унинг ҳисоб-ахборот таъминоти, фойда солиғи таҳлили методикасини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Замонавий иқтисодий таҳлил қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: иқтисодий таҳлил назарияси, молиявий таҳлил, бошқарув таҳлили ва солиқ таҳлили. Жаҳон амалиётида солиқ тўловлари таҳлилининг амалиётда кенг қўллаш ва унинг методикасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Солиқ тўловлари таҳлили методикасини такомиллаштириш мақсадида таҳлилининг асосий йўналишлари қуйидагича бўлишлигини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (4-расм).




4-расм. Солиқ тўловлари таҳлилининг асосий йўналишлари¹⁵

4-расмда солиқ тўловлари таҳлилининг асосий йўналишлари келтирилган бўлиб, бу асосда таҳлилий амалларни бажариш бизда аниқ натижаларни бериши мумкин.

¹⁵Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Хўжалик юритувчи субъектларда солиқ тўловларини таҳлил қилиш маълум кетма-кетликка асосланган ҳолда ўтказилса, таҳлилнинг натижадорлиги ва бошқарув учун фойдали ахборотларни шакллантиришга эришиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Шу боисдан, солиқ тўловлари таҳлилини қуйидаги босқичларда ўтказишни таклиф этамиз (5-расм):



5-расм. Солиқ тўловларини таҳлил қилиш босқичлари¹⁶

Солиқ тўловларини таҳлил қилишда, алоҳида солиқ турлари бўйича таҳлил методикасини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи ва бошқа солиқлар таҳлилининг методикасини такомиллаштириш.

Фойда солиғининг таҳлили тадқиқот ишининг объекти бўлган «Ўзнефтьгазқазибчиқариш» АЖнинг йирик солиқ тўловчилардан ҳисобланган «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ маълумотлари асосида амалга оширилди. «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 2015-2018 йилларда бюджетга тўланган солиқ тўловлари динамикасининг ўзгариши 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

«Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ солиқ тўловларининг динамик ўзгариши таҳлили¹⁷ (минг сўм)

Т/р	Солиқ турлари	Йиллар			
		2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
1	Фойда солиғи	2094584	2924873	4569305	4957102
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	1087501	9334620	10537536	13909753
3	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	8797534	71314	76523	-
4	Қўшилган қиймат солиғи	87148586	84542658	54288469	68511397
5	Акциз солиғи	71352909	76755169	54151913	72168237
6	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	432673	489369	525192	803590
7	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	17351864	36189430	47577895	34796192
8	Ер солиғи	1863251	2148248	2480840	2883378
9	Бошқа солиқлар				3244394
10	Жами ҳисобланган солиқ суммаси	190128902	212455681	174207673	201274043
11	Жами ҳисобланган солиқ суммасининг базис йилга нисбатан ўзгариши, фоизда	100	111,74	91,63	105,86
12	Жами ҳисобланган солиқ суммасининг занжирсимон ўзгариши, фоизда	100	111,74	82,00	115,54

¹⁶Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

¹⁷Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

